

## АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚЎМИТАСИННИГ РАСМИЙ БАЁНОТИ

---



Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда Молия вазирлигининг Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси раҳбарининг ахбороти бўйича ёритилган материалларда 2021-2022 йилларда йўл хўжалиги лойиҳаларида амалга оширилган қуриш-таъмирлаш ишларини ўрганишлари натижасига кўра 45 та ҳолатда 34 трлн 575 млрд сўмлик маблағлар самарасиз ва ноқонуний сарфланган деб қайд этилганлиги хақиқатга тўғри келмайди.

Ушбу материалларда йўл ишларини амалга ошириш учун 2021 йил ва 2022 йилнинг I ярим йиллигига Жамгарма томонидан жами 13,3 трлн сўм ажратилганлиги баён этилган бўлса-да, 34,5 трлн сўмлик маблағлар самарасиз ва ноқонуний сарфланган деб кўрсатилиши мантиқан нотўғри.

Қўмитанинг матбуот хизмати томонидан олиб борилган тушунтиришлардан сўнг айrim сайтлардаги маълумотларга ўзgartаришлар киритилиб, "34,5 трлн сўм" жумласи "34,5 млрд сўм" жумласига ўзgartирилди.

Ўз навбатида, ушбу 34,5 млрд сўм миқдоридаги маблағларнинг самарасиз ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилиб, Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясидан маълумотлар олинди.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 34,5 млрд сўмдан 12,1 млрд сўм (36%) қисми Республика йўл хўжалиги тизимига тааллуқли бўлмаган корхоналар ва объектларга тегишилдири.

Қолган 22,4 млрд сўм маблагнинг 15,8 млрд сўм (71%) қисми ўз тасдигини топмади.

Қолган 6,6 млрд сўм миқдоридаги йўл ишларини бажариш билан боғлиқ аниқланган камчиликлар текширув жараёнида тўлиқ бартараф этилган ҳамда тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аниқланган камчиликлар орасида Жамгарма маблағларини талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланмаган.

Автомобиль йўллари қўмитаси сўз эркинлиги бўйича Конституциявий хуқуқларни хурмат қилган ҳолда барча оммавий ахборот воситалари, блогерлар ва фуқаролар учун очиқлигини ҳамда соҳага оид барча саволларга жавоб беришга тайёрлигини яна бир бор маълум қиласди.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Матбуот хизмати